## XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

60. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

61. Ёрдамчи пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш хужжатларини Бош пудратчининг ёзма рухсатисиз, Ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

62. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хакикий хисобланади.

63. Бош пудратчи билан Ёрдамчи пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиклаши керак.

64. Ёрдамчи пудратчи объектда курлиш таъмирлаш ишларини бажариш давомида Бош пудратчига ва бошка турдош Ёрдамчи пудратчига халал бермаслиги лозим.

65. Ёрдамчи пудратчи томонидан курлиш таъмирлаш ишларини бажариш даврида лойихадан огишлар учраган такдирда, лойиха бош муаллифи ва Бош пудратчи билан келишилган холда жойига мослаб курлиш ишларини бажарилиши лозим.

66. Агар Ёрдамчи пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Бош пудратчиЁрдамчи пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тўлашни кечиктиришга хаклидир.

67. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари қўлланилади.

68. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

69. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича хукук ва мажбуриятлари вужудга келади.

70. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва "31" декабр 2022 йилга кадар амалда бўлади.

## XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

**БОШ ПУДРАТЧИ**

**Фаргона туман йўллардан фойдаланиш УК**

Манзил: Фаргона шахар, Мустакиллик №350-г уй

х/р: 20210 000 900 210 835 001

МФО: 00493 СТИР: 200197217

Банк: [illegible] Миллийбанк Фаргона

Директор ______________ **А.Зикрияев**

Бош хисобчи ______________ **Ш.Мамуров**

**М.У.**

**Юрист** ______________ **Ж.Вахобов**

**ЁРДАМЧИ ПУДРАТЧИ**

**"Элегант Давр Дизайн" МЧЖ**

Манзил: Фаргона тумани Водил ҚФЙ Чимён кўчаси 39-уй

Х/Р: 20208000200300150001

МФО: 00965 СТИР:302897314

Хамкорбанк Истикбол филиали

Рахбар ______________ **Х.Махмудов**

**М.У.**